

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70220303-Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи.....	4
1.2.1.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари .....	4
1.2.2.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари .....	5
1.2.3.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари .....	5
1.2.4.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари .....	5
2.	70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги .....	10

**1. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

**1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби **70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуни ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чикиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича)** – “Гуманитар фанлар” соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш, илмий ҳамда тарих соҳаси билан боғлиқ академик, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари; давлат бошқаруви органлари; ҳалқаро ташкилотлар; сиёсий партиялар; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тармоқ илмий-тадқиқот институтлари; ташкилар органлари; архив, кўлёзма фондлари, ахборот-ресурс марказлари, нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, хорижий мамлакатлар билан боғлиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлар; хусусийлиги

исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

**1.2.2. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлар ҳамда шарқ ва гарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида шарқ тилишшунослиги соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳдил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви органларида бошқарув жараёнлари;

- иқтисодиёт тармоклари, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, турли мулкчилик шаклидаги ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, фирма, компаниялар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмаларида таржимонлик ва иш юритишини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

**1.2.3. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- маданиятлараро мулоқот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- турли хизматлар кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳдил қилиш;

| Республикада мавжуд кўлёзма ва тошбосма манбаларнинг бирламчи тавсифи ва электрон каталогини яратиш, китобларга аннотация ёзиш, кўлёзма асарларни табдил ва таржима килиш ҳамда уларнинг фото ва электрон нусхаларини тайёрлаши;

| ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича мавжуд манбалар, кўлёзма ва тошбосма асарлар, архив ҳужжатлари, маданий мерос объектларини ўрганиб, лойиҳа мақсади ва вазифаларига мувофик улар устида тадқиқотлар олиб бориши;

| Марказий Осиё мамлакатлари тарихи тарихнавислиги ва манбашунослигининг долзарб назариёти ва амалиёти билан боғлиқ янги илмий-тадқиқот натижалари акс этган илмий адабиётлар устида доимий ишлаб бориши; муаммоларни изчил ўрганиши ва уларни тадқиқот объектига айлантириши;

| минтақа цивилизацион тарихий жараёнларининг умумий ва хос қонуниятлари манбашунослиги, тарихшунослиги, назарий методологик масалалари юзасидан ўкув-услубий жараёнларни таъминлаш бўйича илмий-услубий тадқиқот ишларини олиб бориши ва натижаларини ўкув жараёнига татбиқ этишни таъминлаши;

1 тарихий матнлар, архив материаллари, кўлёзмалар матншунослиги бўйича илмий-тадкиқот ишларини олиб бориши;

- тадкиқотларда қўлланган методологик ёндашув тамойилларининг тадрижи, этногенез, маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатлар масаласи бўйича тасаввурга эга бўлиши;

- замонавий тадкиқот методлари ва методологияси, турли тадкиқот методлари ва методологияларининг қиёсий тавсифи, ҳозирги замон жаҳон тилшунослигидаги турли назарий қарашлар, ҳозирги замон тарихшунослигининг етакчи концепциялари, илгор назариётчи тарихшуносларнинг асарларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

- илмий ҳисботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чикиш;

- ўтказилаётган тадкиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиш ва библиографияларни тузиш;

- илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;

- илмий журналларга соҳа бўйича илмий мақолалар тайёрлашолий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахassisлиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасаларида мутахassisликка оид фанлар ҳамда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориши.

#### **Маданиятлараро мулокот фаолиятида:**

- маданиятлараро мулокотда модератор вазифасини бажариш;

- “тил-маданият-мулокот” алоқаларини амалга ошириш;

- глобаллашув жараённада миллый-маданий меросни тарғиб қилиш;

- миллатлараро маданий алоқалар ривожида фаолият олиб бориши;

- давлат ва жамоат ташкилотларида таржимон, катта таржимон, бўлим бошлиғи, референт ва уларга тенглаштирилган лавозимларда касбий фаолият юритиш;

- маданиятлараро мулокотнинг турли жабҳаларида муайян таржима шаклларини, стратегияларини ва усулларини қўллаб таржима қилиш;

- лисоний, лингвомаданий, адекватликни ва коммуникатив мақсадни инобатга олган ҳолда мулокот олиб бориши;

- ҳукumat тадбирлари, расмий йигинларда, учрашувлар ва сайёхлик соҳасида синхрон таржима ишларини амалга ошириш.

#### **Ташкилий-бошқарув ҳамда консалтинг хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларининг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил килиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳукукий ҳамда меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чикиш;

- қабул килинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришини ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини

аниқлаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;

- мутахассислик бўйича оила, гендер, демографик сиёсат, бандлик муносабатлари, иқтисодий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;

- шарқ ва ғарб тиллари бўйича таржима ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

## **2. 70220303–Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-хукукий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, кайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;

- тарихий тадқиқотлар методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хulosаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фаркини;

- минтақа халқлари тарихининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослари бир ва муштараклигини назарий жиҳатдан идрок этиш;
- минтақа тарихининг қадимий ва ўрта асрлар даврлари моддий ва ёзма манбалари, уларнинг илмий талқинлари муаммоларини ҳал қилиш;
- минтақа халқларининг араб истилосига қадар қадимги ёзув тизимлари ёдгорликлари;
- қадимият ва илк ўрта асрлар тарихига оид нумизматик материаллар, уларнинг таснифи, тарихшунослиги, соҳага тегишли илмий ва амалий муаммолар;
- Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослигининг муаммоли масалалари;
- Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги ва манбашунослигининг назарий-методологик асослари, минтақа сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаёти босқичларини узвийлик ва хронологик-даврий кетма-кетликлiği;
- тарих фани методологияси, тарих фанида умумий илмий методлар, фалсафий методлар, услубларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси, тарих фани методологиясининг ривожланишидаги асосий босқичлар;
- тарихий билишнинг ўзига хослиги ва тамойиллари, тарих фанида фанлараро ёндашишдан фойдаланиш;
- цивилизацион жараёнларнинг умумий ва хос қонуниятлари;
- минтақа цивилизациясининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий асослари; минтақа цивилизациясининг маънавий асослари; минтақа цивилизациясининг этник, миллий хусусиятлари; минтақа цивилизациясини яратган халқлар тарихининг муштараклиги;
- Марказий Осиё мамлакатларидаги қўлёзма фонdlар, қўлёзма фонdlарининг бирламчи ишлов усуллари; тавсиф, таснif, фихрист, каталог ва бошқа босқичларда иш усуллари;
- қўлёзма ёдгорликларига таснифий ёндашиш тамойиллари;
- ҳужжат типидаги ёзма ёдгорликлар билан ишлашга боғлиқ методик муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ўргатиш;
- тарихий хариталарни тузишда манба муаллифларининг тамойиллари;
- минтақа халқлари тарихи манбашунослигининг холисона, ҳаққоний методологик асослари;
- қадимий ёзма манбаларнинг ёзувлари (хоразмий, суғдий, юонний, туркий ва уйғурий ва б.);
- Марказий Осиё халқлари тарихи воқеа-ходисалари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, тарихий жараёндаги ўрни, тарихнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, тарихий манбаларни ўз фаолиятида қўллаш;
- мутахассисликка оид матнларни ўқиш, таржима ва таҳлил қилиш, мутахассисликка оид терминларни йигиш, таснифлаш ва изохлаш усуллари;
- ўқитилаётган матннаги илмий соҳа терминларини тўла эгаллаш ва амалда қўллаш малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, техника, методология, тадқиқот, автоматлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, виртуал лаборатория, тарихий ривожланиш босқичлари, тарихшунослик, манбашунослик, тарихий манбашунослик, амалий ва назарий манбашунослик, этнография, этнология ва социал антропология, қадимий ёзувлари, ёзув маданияти, каталоглар тузиш, археография, палеография, архившунослик, библиография, эпиграфика, криптография, нумизматика, герменевтика, дипломатика, концепция, ижтимоий-сиёсий ривожланиш, номадизм, тарих фалсафаси, этнология, мустамлака сиёсати, мустамлакачилиқ, неоколониализм, миллий-озодлик ҳаракатлари, империализм, капитализм генезиси, кўпукладли иқтисод, ижтимоий-синфий таркиб, аграр муносабатлар, революцион ҳаракатлар, мустамлакачиликнинг қулаши, мафкуравий ва сиёсий омиллар, қўлёзма ёдгорликлар, тарихнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолари, замонавий тарихшунослик, евроцентризм, модернизацион дунё, шаркцентризм, автохтонизм, фалсификация, тенденцион ёндошув, концепциялар, интерпретация, трайбализм, популизм.

# КЕЛИШУВ ВАРАГИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети



Ректор

Г.Ш.Рихсиева

2021 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

М.Эсанов

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Тарих институти

Директор А.Зиё

2021 йил « 18 » 08

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси Абу Райхон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институти

Директор

Б.Абдухалимов

М.Ў.

Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети

Ректор

И.Мажидов

2021 йил « 18 » 08

М.Ў.

